
Фурқат тумани ҳокимининг ёшлар билан учрашуви бўлиб ўтди

Бугун туман ҳокимининг "Катта янги" ва "Янги" маҳаллалари ёшлари учун белгиланган графикка асосан навбатдаги учрашуви ташкилланди.

Туман ҳокими “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили” да амалга оширишга оид давлат дастури ижроси доирасида ўзига бириктирилган ёшлар билан ўтказилган учрашувда ёшлар бандлигини таъминлаш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, ёшлар ўртасида соғлом муҳитни яратиш борасида очиқ мулоқот бўлиб ўтди.

Шунингдек, ёшлар томонидан берилган саволлар ва уларни қийнаб келаётган муаммолар юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинди.

2024-04-20 12:43:17